

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 1469-ҳадис

- ## 1. Анасдан розияллоҳу анҳу ривоят қилинади.

«Бир жанозани олиб ўтишди. У ҳақда яхши гап айтишди. Набий соллаллоҳу алайхи васаллам: «**Вожиб бўлди**», дедилар. Сўнг яна бошқасини олиб ўтишди. У ҳақда ёмон гап айтишди. У зот: «**Вожиб бўлди**», дедилар. Шунда Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Нима вожиб бўлди?» деди. У зот: «**Унинг ҳақида яхши гап айтдингиз, унга жаннат вожиб бўлди.** Бунинг ҳақида ёмон гап айтдингиз, бунга дўзах вожиб бўлди. Сизлар Аллоҳнинг ер юзидағи гувоҳларисиз», дедилар».

Мұттафақүн алайх.

Манба: hadis.islom.uz

